

9 МАЙ

Хотира ва қадрлаш кунни



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 18 (654)
2019 йил
9 май,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газетаси 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.jamiyatgzt.uz @ jamiyatgzt@mail.ru



2-с.

УНИНГ КИТОБИСИЗ ХЕЧ
КИМ ЎҚИЁЛМАЙДИ

Дадамни фақат
«ИМО»да
кўраман

6-с.



4-с.

Ўттиз йил
бепарво
юравердик

Масъулиятсизлигимиз қимматга тушмаяптими?

Стратегик жиҳатдан муҳим нуқтада жойлашган ҳар бир давлатга нисбатан ташқи кучлар томонидан аввалги даврлардан то шу кунгача ҳам сиёсий ўйинлар, пинҳона равишда ички сиёсатга аралашув ҳамда давлат ва жамият ўртасида ўзаро зиддият келтириб чиқариш каби усуллар амалга ошириб келинган ва келинмоқда. Албатта, бу каби жараёнлар секин-аста боқичма-боқич пухта ўйланган ва узоққа мўлжалланган режалар асосида йўлга қўйилади. Масалан, глобал тармоқдаги «троллар»ни олинг. Интернет ва оддийгина Notebook орқали бутун бошли мамлакат имижини ижобий ёки салбий жиҳатдан шакллантириш ва давлат раҳбарлари мавқеини жаҳон миқёсида кўтариб бериш ва аксинча, тушириш бугунги кибердунёда оддий ҳолга айланиб бормоқда. Иккинчи усул сифатида эса, «Бўлиб ташла, ҳукмронлик қил» шiori остида мамлакат аҳолисини давлат раҳбарига нисбатан гиж-гижлаш, халқ орасида Президент сиёсатига нисбатан ишончсизлик туйғусини келтириб чиқариш ва энг асосийси, Давлат раҳбарий имижини салбий жиҳатдан шакллантириш йўллари кенг қўлланилади. Уюштирилмаган пикаплар, саҳналаштирилган жанжаллар, ўзи умуман мавжуд бўлмаган шахс номидан халқро ОАВдаги чиқишлар, интервью ва шунга ўхшаш нарсаларни Президентларни обрўсизлантиришнинг ёрқин мисоли сифатида кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, бу каби «шахмат доскасидаги» «юришлар» юқорида айтилганидек, ташқи кучлар томонидан амалга оширилади ва доимий босим остида ушлаб турилади. Аини рақибга қарши тактик «юришлар» иккинчи тараф(давлатлар) томонидан ўйлаб топилди ва қарши ҳужумда ишлатилади. Бу каби вазиятга очиқчасига сиёсий жанглр сифатида қаралади. Лекин яна бир ички «душман» борки, унинг ҳаракатлари юқорида таъкидлаганимиз ташқи босимдан ҳам кўрқинчи роқ ва уни енгиш жуда ҳам оғир кечади. У ҳам бўлса, эътиборсизлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик.

Эътиборсизлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик. Аини иллатларга нисбатан ҳар бир давлатда, ҳар бир миллатда ва жамиятда ривожланишнинг асосий қушандаси сифатида қаралади. Нега ислохотлар самараси кўринмаёпти, нега Президентга ва ҳукуматга нисбатан ишончсизлик кайфияти секин-аста шаклланмоқда каби барча саволларнинг жавоби битта — у ҳам бўлса, эътиборсизлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик. Кучли сиёсатчилар ҳукумат, Президент ва халқ орасидаги муносабатни фарзанд тарбия қилаётган ота-она ва айнан шу тарбия асосида улғайиб келаётган фарзанд орасидаги муносабатга ўхшатишади. Сабаби шундаки, фарзанд тарбиясидаги ҳар бир майда детал муҳим аҳамиятга эга. Ота-она қанчалик фарзандга яхши тарбия бермасин, фарзанд атрофидаги инсонлар унга салбий муносабатни шакллантирса, қарабсизки, гап яна тарбияга бориб тақалади, яна ота-она айбдор. Ўзингиз тушунганингиздек, қайсида давлат хизматчисининг эътиборсизлиги, лоқайдлиги, масъулиятсизлиги учун фуқаро қарашда яна Президент айбдор ва яна Ҳукумат ишламаётгандай. Янги солиқ тизимидан хабари йўқ солиқ йиғувчилар дейсизми, қарздорлиги ҳали исботланмай туриб, фуқаролар мол-мулкни мусодара қилаётган мажбурий ижро ҳодимлари дейсизми, сақич чайнаб навбатингизни кутинг, дейишдан уёғига ўтмайдиган касалхона ҳамширалари дейсизми, тирбандликлар пайтида назорат қилиш ўрнига ҳайдовчиларнинг қондабузинини пойлаб, беркиниб турган ДАН ходимлари дейсизми, талабаларни дарсга қизиқтира олмайдиган тажрибасиз ўқитувчи дейсизми,

Давоми 2-саҳифада ▶▶



ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!

Адлия вазирлиги томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақидаги хабарлар ўз вақтида етказилишини таъминлаш мақсадида Telegram ижтимоий тармоғида «@antikorbot» номли махсус бот яратилди.

УНИНГ КИТОБИСИЗ ХЕЧ КИМ ЎҚИЁЛМАЙДИ

Китоб инсоният яратган мўъжиза экани ҳақида кўп ва ҳўп айтилган. Дунёда шундай бир китоб борки, уни ўқимаган одам бошқа ҳар қандай китобни ўқишдан маҳрумдир. Эҳтимол, мактабда ўқиш даврида бирор фандан муайян мавзунни қолдириб кетиш мумкиндир. Лекин биз назарда тутган китобни мукамал ўрганмаган одам саводсиз бўлиб қолади.

Гап «Алифбе» ҳақида кетаётганини пайқагандирсиз. Тўғри, ҳамма дарсликлар муҳим, бироқ инсон боласининг саводини чиқарадиган «Алифбе» китоби, таъбир жоиз бўлса, муқаддасдир. Бизнинг авлод Оқилхон Шарофилдинов муаллифлик қилган илк дарслик орқали ҳарф таниган. У донишманд инсон ойнаи-жаҳон орқали чиқиш қилганида бамисоли афсонавий шахсни кўрардик.

Ҳозир эса замонавий кўри-нишда чош этилаётган «Алифбе» китоби ўн етти йилдан буён тақдим этилмоқда. Бугун амалда бўлган мазкур китоб ҳар йили экспертизадан ўтказилади. Яъни 2003 йилда босмадан чиққан дарслик замонамизнинг энг сўнгги талаблари асосида такомиллаштириб келиняпти.

Ҳўш, бу нодир дарсликни кимлар ёзган? Билмасангиз, танишинг: Ўзбекистон Педагогика

илмий-тадқиқот институти уму-мий педагогика лабораторияси мудир, Халқаро педагогика ака-

сифатида фирқа сафита ўтмоқчи бўлганда Саид Алиевич қаттиқ қаршилиқ кўрсатади...

Ёш муаллимнинг биринчи иш жойи 1983 йилда Бухоро шаҳридаги 4-мактаб бўлди. Бир йил ўтгач, аспирантурага қабул қилинди. «Ўзбек тилида гипонемия» мавзусида ёқланган диссертация Роҳатга филология фанлари номзоди илмий даражасини берди. Педагогика илмий-тадқиқот институтида ишлаётган йиллари «Миллий тикланиш шароитида Ўзбекистонда она тили таълими назарияси ва амалиёти» мав-

кўп йиллик самарали меҳнати, хусусан педагогика фани асосларини услубий бойитиш йўлидаги хизмати, ижодий фаолияти, шунингдек, камтарлиги, ўзгаларни ҳурмат қилиши ҳозирги кун ёшлари учун ибрат мактаби бўла олади.

Олиманинг муҳим хислатларидан бири унинг тиним билмай, сермашаққат меҳнатдан қочмай ишлашидир. Қачон қараманг, уни иш устида учрата-сиз. Бир қарасанг, шоғирдилари билан бирга монография тайёрлаётган ёки бирор докторантга илмий-педагогик маслаҳат бераётган бўлади. Яна бир қарасанг, тадқиқотчиларнинг диссертациялари билан танишиб, тақриз ёзаётган бўлади. Хуллас, илмий фаолиятда ўзи ва шоғирдиларига ўта талабчан, қаттиққўл бу олиманимиз барча ишларини режа асосида бажарши, вақтдан унумли фойдаланади. Меҳрибонликда ҳам атрофидаги бирор кишини эътибордан четда қолдирмайди. Ҳатто, бино қоровули ёки фарошнинг ҳам тувилган кунни қачон бўлишини билиши ва албатта, ўша инсонни табрик-лаб, кичик бўлса-да, совғалар улашиши, қўл остидаги одамларнинг соғлиги, оилавий шаро-



« Бошланиши 1-саҳифада

Масъулиятсизлигимиз қимматга тушмаяптими?

болаларни калтаклаб роҳат-ланадиган богча опалар дейсизми, шов-шув ортидан қувиб муаммолар билан иши йўқ журналлар дейсизми, партия нима иш қилишини ҳалигача билмайдиган партия вакиллари дейсизми, умуман олганда, барча-барчаси фуқаролар ва Президент ўртасидаги муносабатни белгилаб бермоқда ва айни дамда давлат раҳбарига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқармаётганмикин? Албатта, шундай. Сабаби шундаки, ўз муаммоси ортидан давлат муассасасига мурожаат қилиб, айрим сабабларга кўра пайдо бўлган муаммони бартараф этиш борасида давлат хизматчисидан ёрдам кутади, ўз ҳақ-ҳуқуқи доирасида мурожаат қилади. Лекин айрим «осмондан тушган» ва «мен халқнинг хизматчиси эмас, балки халқ менинг хизматимда» деган қолоқ тушунчага эга масъулиятсиз, лоқайд, эътиборсиз қайсидир ваколатли шахс ёхуд «кимса» томонидан фуқаронинг мурожаати эътиборсиз қолади. Бу эса бугун бошли давлат ташкилотига нисбатан салбий муносабатни шакллантиради. Натижала мавжуд муаммо катталашаверади, катталашаверади ва охири давлат раҳбарининг халқ орасида обрўсизланишига, ёмонотлик бўлишига энг аянчлиси, фуқаро томонидан Ҳукумат ва Президентга нисбатан ишончсизлик шаклланишига олибкелади. Ишонч бўлмаган жойда эса келахакка умид билан қараш, ривожланишга ўз ҳиссасини қўшиш каби мақ-

садлар ўрнини умидсизлик ва хусумат эгаллайди. Секин-аста буларнинг барчаси Президент ва халқ орасида кўринмас девор вужудга келишига замин яратади.

Халқимизда бир гап бор: «Меники эмас, бизники деб яша». Бугун бизга муаммо келтириб чиқарадиган эмас, муаммони бартараф этадиган, ҳар бир фуқарони ўз оила аъзоси сифатида кўрадиган, халқ дарди билан яшайдиган ва энг асосийси, давлат менга нима қилди, деб эмас, мен давлатга нима қилдим, деган савол билан ўз иштини назорат қиладиган давлат хизматчилари керак.

Бугун Президент ватанпарвар кадрларни изламоқда. Қайси маънода ватанпарвар? Шу маънодаки, ўзининг ишга бағлан масъулияти, фаолиятига нисбатан жиддий қарашлари, ривожланишга бўлган ҳиссаси билан ватанпарварлигини кўрсатиб келаётган кадрларни Давлат раҳбари назарда тутмоқда. Шулардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ватанпарварликни фақат олди-қочди. Булардан келиб чиқиб билан мадҳ этишига эмас, балки ўз ишини севиш ва сидқидилдан бажариш билан кўрсатишимиз керак.

Фотиҳ АБДУРАХИМОВ,
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори ўринбосари

демияси аъзоси Роҳат Сафарова бошчилигидаги (М.Иноятова, М.Шокирова, Л.Шермаметова) муаллифлик гуруҳи. Китобни нуфузли комиссия муқобиллик асосида бешта алифбе ичидан танлаб олган. Бунда матнлар мазмуни, мавзуга монанд расмлар, боланинг бу ёруғ олам билан танишуви каби тамойиллар эътиборда бўлган. Алифбе яратишга миллий анъаналарга амал қилинади. Мисол учун, бадиий асарлардан парчалар бола руҳиятига мос келиши керак.

Роҳат Сафарова билан яқиндан танишамиз. У киши 1958 йилда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида туғилган. Унинг кишлоғи Ибн Синонинг кичик ватани — Афсона кишлоғи билан ёнма-ён. 1965 йилда тенгдошлари билан 1-синфга борганда кўзи ожизлиги туфайли ниҳоятда қийналган. Сўнгра Бухоро шаҳридаги 24-махсус мактабга ўтказилган. Ўрта маълумотни шу ерда олган. Бухоро Давлат педагогика институтида аъло баҳоларга ўқиган.

Талабалик йиллари бир воқеа бўлади: Роҳат устози Саид Алиевичга шундай савол беради: «Ўзбекистон»дай гўзал шеърни ёзган Хамид Олимжон нега «Россия, Россия, менинг Ватаним» деган, шунини тушунтириб берсангиз?» ...Саид Алиевич қаттиқ дарғазаб бўлиб, «шаккок» қизни аудиториядан ҳайдаб чиқаради. Шу билан то Роҳат институти битиргунча домланинг таъқибидан қутулмайди. Бу гапларни ҳозир кулиб эслаш мумкин. Лекин ўшанда кулишнинг иложи йўқ эди. Кейинроқ Роҳат Бозорова «аълочи» талаба

зусида докторлик иштини ёзди. Ҳозирги пайтда кулгили, аммо ўша йиллари бугун бошли институтида атиги иккита компьютер бўлган экан. Роҳат институт директори ўринбосари Даврон Шодиевнинг кетишини пойлаб турар, у киши қайтандан сўнг калитни олиб, компьютерда иш бошларди.

«...«Алифбе»ни яратиш жараёнида жуда кўп қарама-қаршилиқни енгишга тўғри келди. Китоб мактабларга тарқатилган кейин ҳам унга тош отувчилар кўп бўлди. Аҳвол шу даражага етдики, айримлар ўзлари қолиб, вафот этиб кетган мутахассислар номидан ҳам хат битишди.

— Энг тўғри йўл кучни беҳуда сарфламасдан ҳасалдўйлар ёзишмасинга эътибор бермаслик экан, — дейди Роҳат Сафарова. — Мақсадимиз комил инсон тарбиясига «Алифбе» орқали пойдевор қўйиш, салоҳиятимизни шунга сафарбар этишдир.

Бир инсонни яхши билиш учун бир қоп тузни бирга ейтиш керак, деган доно нақл бор. Роҳат кимлар билан намақдош бўлган? Албатта, бирга ишлаётган ҳамкасблари билан-да. Келинг, шу ўринда унинг сафдошлари сўзларига қулоқ тутаёлик.

Рисбой Жўраев,
педагогика фанлари доктори, академик:

— Педагогика фанлари доктори, профессор Роҳатой Сафарова педагогика йўналишида замонавий таълим-тарбия андозаларининг ижобий ечимини топиб, ҳаётга таътиқ этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган аёлларимиздан. Унинг

ити тўғрисида доимо қайғуриши, бетоб ётган танишларининг уйига бориб бўлса-да, ҳабар олиши, унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиши ва ҳоказо — буларнинг бари бунинг ёрқин далилидир. Меҳнат ва ирода, сахийлик ва меҳрибонлик туфайли оддийгина бир аёл эриша олган бундай улкан ҳурмат-эҳтиром кишини ҳайратлантирмай қўймайди.

Собитхон Турғунов,
Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари,
педагогика фанлари доктори,
профессор:

— Устоз Роҳатой Гайбуллаевна педагогика илмининг жонқуяри. У маърифатли, юксак маданиятли инсон, педагогика фани ривож ва унинг истиқбол йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган олимидир.

Мен профессор Р.Ф.Сафарова ҳақида гап кетганда у кишининг узоқни кўра билиши, ўзи каби олимлар ўртасидаги обрў-эътибори ҳақида беихтиёр уйлайман. Устознинг ҳам инсоний, ҳам касбий фазилатлари мен каби жуда кўпчиликнинг дунёқарашини ўзгартиришига, яъни тафаккури ривожланишига ўз таъсирини кўрсатгани аниқ.

Мана, азиз муштарий, қаҳрамонимиз ҳақида ҳамкасбларнигоҳи орқали танишингиз. Бундай фидойи, матонатли инсонлар ҳаётимизга мазмун бахш этади. Яхшилар омон бўлсин!

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш буйича ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 6-7 май кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Хонадонимиз меҳрга тўлади



Уруш бошланганда салкам 16 ёшда эдим. Эшигимиз тақил-ласа, онамнинг кўзи жикқа ёшга тўларди. Ваҳима аралаш титроқ босарди. Чунки ўша пайтда мен ҳам урушга кетадиганлар рўйхати-га киритилган эдим...

1943 йил 17 январда урушга кетдим. Жигарўшасини минг бир изтироб, аламли кўз ёшлар билан урушга кузатаётган онамга: «Йиғламанг, мен, албатта, қайтиб келаман. Қайтганда ҳам мард бўлиб, душманни енгиб, хурлик билан кайтаман...» дея таскин бергандим.

...Мен жангга кирдим. Туну кун душманга қарши жанг қилдик. Чор тарафдан фақат ўқ овози эшитиларди. Бемалол дам ололмас эдик. Навбатма-навбат қўриқчилик қилардик. Ҳар қадам босганда қон ҳиди димоққа уриларди. Оёғимиз остида танасидан ажраган қўл-оёқлар, сон-саноксиз ўқтам ўғлонлар жонсиз, қонга беланиб ётарди. Ҳозир ўша манзараларни кўз олдимга келтирсам, қўрқиб кетаман.

Беаёв урушнинг бешафқатлиги етмаганидек, озиқ-овқат танқислиги ҳам

одамларнинг малорини қуриттанди. Бир кунга 400 грамм нон ва бир дона картошка бериларди. Шунинг учун суткага етказиш керак эди. Жангга киришдан олдин шулардан оз-оз еб, ошқозонимизни «алдаб» олардик...

Уруш тугагач, Ватанимизга қайтдик. Кўзлари тўрт бўлиб, йўлимга пешвоз чиққан онамни бағримга маҳкам босар эканман, урушга кетар чоғимда берган ваъданинг устидан чиққаним учун ич-ичимдан гурурланганман.

Шукрки, бугунги дориламон кунларни кўриш, озов ва обод юртва кексалик гаштини суриш насиб этди. Байрам бошланди дегунча, «Жангчи бобо, сизни зиёрат қилгани, дуойингизни олиб, суҳбатингиздан баҳраманд бўлгани келдик» дейдиган таниш-нотаниш ўғил-қизлар билан хонадонимиз меҳрга тўлади. Маҳалла-қўй, қариндош-уруғ йўқлаб чарчамайди. Мана, бу йил ҳам мактаб ўқувчилари келиб, хонадонимизни янада обод этишди. Айниқса, Президентимиз томонидан бизга кўрсатилган эътибордан кўнглим шод. Кексаларни ёзозлаган юрт асло кам бўлмайди. Мустақиллигимизга кўз тегмасин. Дунёда ҳар доим тинчлик ҳукмрон бўлсин!

Уруш ва меҳнат фахрийси
Носир МУСАЕВдан
Гулбаҳор МИРТАЛЪАТОВА
ёзиб олди.

Матонатни енгиб бўлмайди

Тинчлик ва осойишталик. Бу сўзларнинг асл мазмун-моҳиятини кўксига орден ва медаллар таққан бобою бувиларимизчалик ҳеч ким чуқур англамаска керак. Чунки улар уруш, жанг нима экани, ўша давр машаққатларининг шохиди бўлган. Мардлик ва жасоратини намоён этиб, тинчлик, бугунги фаровон кунлар учун жонини тиккан.

Мана шундай фахрий аёллардан бири тошкентлик Мағфурат момо Вагаповадир. У урмининг 47 йиллини эл-юртимиз равақига бахшида этган. Невара-эваралари ардоғида яшаётган момо ҳозир 93 ёшда.

— Тинчлик — бу энг буюк неъмат, — дейди у. — Уруш йилларида бу кунлар биз учун армон эди. Бизни яқинларимиздан айириб, Украинага олиб кетишган. У ерда металл қуюв заводида ишладим. Ушанда хурлик, Ватан соғинчи, яқинларинг дийдоридан-да улур

нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилганман. Уруш — бу ўлим, очарчилик, нотинчлик, норасида болаларнинг аянчли қисматга маҳкум бўлиши, мушгилар аёлининг кўз ёшлари. Одамлар урушдан, унинг азобларидан, оғир меҳнати-ю йўқотишлардан жуда-жуда толиққанди. Нафақат жанггоҳларда, балки фронт таъминоти учун оғир меҳнатда қанчадан-қанча тенгдошларимиз, фарзандларимиз ва кексаларимиз қурбон бўлди. Бугунги файзли кунларни кўриш уларга насиб этмади. Пешонамда мустақиллик нафасини ҳис этиш бор экан, минг шукр. Менинг шу ёшга киришим, бугунгидек тетик ва хушнуд бўлишим юртимиздаги тинчлик, биз кексаларга кўрсатилган ҳурмат ва эътибор туфайли.

Ҳар гал уруш ва меҳнат фахрийларини йўқлаб борганимизда уларнинг юз-кўзидаги қувонч, миннатдорликни кўриб, озгина эътибор ҳам киши кўнглини тоғдек кўтаришига такрор-такрор амин бўламиз. Уруш даврида юртимиз ўғлонлари билан елкама-елка турган матонатли аёлларнинг мислсиз қахрамонликлари тасаннолар айтаман. Мана шундай авлод давомчилари эканимиздан кўнглимиз гурур ва ифтихорга тўлади.



Канаданинг Альберта штати ҳукумати ва Канаданинг Россия ва Евросиёда ишбилармонлик ассоциацияси (CERBA) делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюради.

Ёруғ кунлар насиб ЭТДИ

Уруш. Қонли жанггоҳ. Душман билан тўқнашув... Ота-она, жигарлар, севиқли ёр, яқинлар дийдори, меҳрига ташна азобли кунлар. Уруш — бу Ватан учун майдонга кирган мардларни ер тишлатган қоп-қора сўз. Энг яқин инсонидан «қора хат» келган аёлининг аччиқ қисмати, аламли изтироблари. Тишланган нонга термилиб, фарзандини урушнинг шафқатсиз қўлларига тутқазган муштипар онанинг интизорлиги, армонлари...

Бу манзараларни Шерали бобо жуда яхши эслайди. Бу йил 94 ёшни қаршилаётган отахон 22 ёшида урушга отланган.

Ушанда 1943 йилнинг қиш фасли эди. Шерали бобо ва унинг сафдошлари Бухоро вилояти Галаосиё қишлоғида кузгача тайёргарлик кўрди. Қурол-аслаҳалардан фойдаланишни ўрганди. Фашистлар томонидан

рим каби галаба нашидасини тотмасдан ҳаётдан кўз юмиб кетмаганимга шукрона айтаман. Она қишлоғимга ёруғ юз билан қайтгач, меҳнат фаолиятини бошладим. Кўп йиллар табельчи бўлдим. Бригадага етакчилик қилдим. Оила кўрдим. Урушдан кейинги очарчиликларни бошдан ўтказдим.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бундан 66 йил муқаддам Термиз



ишғол қилинган ҳудудлар географияси билан яқиндан танишди.

— Ўша йили сентябрь ойида гоҳ поездда, гоҳ пиёда юриб, Украинанинг Запороже шаҳрига етиб бордик, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Ш.Ҳайдаров. — Шу ерда бизни урушга киритди. Ҳеч кўз олдимдан кетмайди: фронт деганлари олов бўлар экан. Эҳ, қандай забардаст йигитлар ана шу оловда ҳаётдан кўз юмди. Бу кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Оддий аскар Шерали Ҳайдаровларнинг ҳарбий баталони Киев шаҳрини фашистлардан озод этишда жанг қилаётганида ёш жангчи дайди ўқ зарбидан ҳушдан кетди. Бошидан ярадор бўлди. Госпиталда жуда узоқ даволанди. Шифокорлар унга контузия ташхисини қўйди. Урушда кўрсатган жасорати туфайли орден ва медаллар билан тақдирланди. 1945 йил июль ойида Сурхондарёга, туғилиб ўсган қишлоғи Сайробга қайтди.

— Душманни Берлингача қувиб бориш бир умрлик армон бўлиб қолди, — дейди Шерали бобо. — Ногирон бўлиб, уйга келдим. Лекин бошқа сафдошлар

шаҳрига кўчиб келиб, вилоят марказида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Болалар боғчаси, мактаб, кинотеатр ва уй-жойлар қурилишида ишлади. Урушда олган жароҳати азият бера бошлагач, қоровул бўлди.

— Қоровулликдан кексалик пенсияга чиқдим, — дейди қахрамонимиз. — Авваллари уруш қатнашчиларига ҳозиргидек эътибор ва гамхўрлик йўқ эди. Эндиликда маҳалла фаоллари, ёшлар, давлат хизматчилари, шифокорлар тез-тез ҳол-аҳвол сўраб турарди. Президентимиз ҳар йили моддий ва маънавий рағбатлантирмоқда. Буларнинг барчаси ёшимизга ёш кўшяпти. Ҳар кун тонгда юртимизга тинчлик, барака тилаб, дуо қиламан.

Пиру-бадавлат отахон уч ўғил, уч қизни тарбиялаб, камолга етказди. У ҳали ҳам тетик, соғлом. Айни пайтда ўттизга яқин невара, ўттиз тўрт чеваранинг суюкли бобоси. Фарзандлари, неварачеваралари ардоғида тинч, осуда ҳаёт кечирмоқда.

Баҳринисо МАДУМАРОВА,
«Жамият» мухбири

Болалигим жудаям қизик, ўзига хос тарзда кечган. Барча тенгдошларим қатори совет даврида туғилдим, таълим олдим, балоғатга етдим. Ёшлигим асосан ўзбеклар яшайдиган маҳаллада ўтди. Маҳалла учун бир нотабий ҳолат: болалар боғчасида русийзабон гуруҳда тарбия топдим. Шунингдек, ўрта мактаб ва университетда ҳам оврупо гуруҳида таълим олдим. Мутахассис бўлиб етишдан ташқари рус тилини ҳам мукамал ўргандим. Шунинг учун рус тилида эмин-эркин гаплашаман, ёзаман, ижод қиламан, кўрсатувлар олиб бораман. Касбий эҳтиёж сабаб кейинчалик инглиз тилини, шунингдек, туркча сўзлашишни ҳам ўргандим. Бугун қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, татар, бошқирд ва, ҳатто, тожик тилларини тушунаман, оз-оз бўлса-да, фикримни тушунтира оламан. Лекин болалик давримдан бошлаб ўз она тилим — ўзбек тили мен учун бош ва асосий тил. Ҳар қандай соғлом, ўзини ҳурмат қилган одамда ўз она тилига муносабат шу каби бўлиши керак, деб ўйлайман. Инсонда она Ватан, ота-она ва миллий тил иккитадан бўлиши мумкин эмас.

Тўғри, одам бошқа тилларда ҳам эркин ва муфассал сўзлаша олиши, хорижий тилдаги китобларни ўқиб, завқ олиши табиий ҳол. Аммо ҳар бир кишининг ўз тилини англаши фақат она тили орқали кечади. Ҳар қандай ор-номус ва пок виджонга эга бўлган ҳазрати инсон ўз она тили турганида бошқа бир тилга расмий мақом берилишини сўрамайди.

Ўзбек тили кеча пайдо бўлган тил эмас. Ўзбек тили олтой тиллар оиласининг туркий тиллар туркумига кирди. Бу тил туркий тиллар ичида марказий ўринни эгаллайди. Ўз даврида Ҳазрат Алишер Навоий ўзбек тилининг бошқа туркийларда бўлмаган сифатларини очиб берди, бу тил ниҳоятда бой ва жозибалор эканини, форсий-тожик тилларидан ҳеч қандай кам жиҳатлари йўқ эканини ўз ижоди билан исботлади.

Қатағонлик даври — 1937 йилдан мустақиллик давригача ўзбек тили коммунистик мафкура, тоталитар сўбат ва мустабиллик остида камситиб келинди. Ўша даврда ўзбек халқининг ўз она тилида сўзлашиши байналмиллатчиликка зид, деб талқин қилинди. Ҳамон эсимда: мактабда, транспортда, кўчаларда ўзбекча гапирсак, ўзбекча гапирма, деб жеркиб беришарди. Давлат илораларидаги манзарани энди тасаввур

Ўттиз йил бепарво юравердик



қилаверинг...

Миллий тилимиз — ўзбек тили мустақиллик даврига келиб, эркинликка эришди, миллатни ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бирига айланди. Аммо бизнинг хатойимиз салкам 30 йил давомида «Ўзбек тили тўғрисидаги» Қонунни қабул қилдик, энди у Давлат тили деб бепарво юравердик.

Тўғри, ҳозир дунёда икки давлат тили — Канада (инглиз, француз), Нидерландия (нидерланд, гарбий фриз), Белоруссия (белорус, рус), Финляндия (финс, швед), Ирландия (ирланд, инглиз), Кипр (юнон, турк), Исроил (иврит, араб), Ҳиндистон (ҳинди, инглиз), Ироқ (араб, курд), Филиппин (филиппин, инглиз), шунингдек, икки тилдан кўпроқ тилларга давлат тили мақоми берилган мамлакатлар — Бельгия (француз, нидерланд ва немис), Буюк Британия (инглиз, ирланд ва шотланд), Люксембург (люксембург, француз, немис), Швейцария (немис, француз ва италянча), ЖАР (11 та тил, жумладан, инглиз, венда, зулу, коса), Янги Зеландия (инглиз, маори ва янги эланд имо-ишора тили) ҳозирга қадар яшаб келмоқда. Чунки бу давлатларда икки-та тил бўлиш учун асос мавжуд: ана шу тилда сўзлашишга эҳтиёж сезадиغان миллатлар яшайди. Ўзбекистон аҳолисининг тахминанан 2 фоизини рус миллати ва 8 фоизини русийзабонларга мансуб аҳоли ташкил этади. Ҳайронман, рус тилига расмий мақом беришни истайдиганлар яна қандай мантиқийликка асосланяпти?

Жуда ҳам таажжубдаман, нима учун баъзи катта авлод вакиллари Ўзбекистон Республикасининг мустақил ва суверен давлат эканини англашни истамайяпти?

Нима учун Мустақиллигимизнинг ўтган 27 йили ичида уларда ўз она тилини, ўз мамлакатини севиш ҳис-туйғуларини шаклланмади?

Нега улар Ватан битта, Ватан танҳо эканини англай олмаяпти?

Нега улар миллий тилимизга янги шерик топишга ҳаракат қилмоқда?

Улар орасидаги ижод аҳли, олимлар нимага шунча йилларда тилимизни ривожлантирмади? Нимага бу масала миллатлараро низо ва тортишувларга олиб келишини англашмапти? Нимага улар ёшларга намуна бўлиш ўрнига яна ўша эски замонни, социалистик ўтмишини қўмсаётганини тушуниш жуда ҳам қийин, албатта.

Ҳурматли кекса авлод вакиллари, аввало, шунинг билинг: ўша машғум совет даври энди қайтиб келмайди, орқага қайтилган кўприклар ёниб кетган. Орқага қайтувчи йўллар ҳам қолмади.

Миллат ҳам ўзгарди. Ўзлигини қайтармаган миллат бу. Лекин ҳар қандай ҳодисанинг бир неча ҳикмати бўлади. Тил масаласида кўтарилган бу шов-шувларни барча зиёлилар, айниқса, ижодкорлар ҳам ўйлаб кўриши лозим. Она тилимизни янада ривожлантиришга, унинг ажиб ва ноёб оҳанглари бойитишга, бу тил замирида қанчадан-қанча бойликлар ётганини очиб беришга ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз лозим. Зеро, истиқболда фарзандларимиз, дўстларимиз, миллатдошларимиз ҳам бир-бирлари билан ўзбек тилида гаплашсинлар...

Оқдй мисол: агар хорижга, дейлик, Туркияга борсангиз, у ерда турклар сиз қандай миллатга мансуб бўлишингиздан қатъий назар, турк тилида сўзлашадилар. Улар бизларга ўхшаб, 10-15 киши ўз она тилида гаплашиб турганида битта ажнабий қўшилса, ликиллаб унинг тилида «твая-мая» қилмайди?

Хитойга борсангиз ҳам худди шундай — хитойликлар сиз билан фақат Чин тилида сўзлашади. Улар сизни ўз миллий тилида сўзлашишга, ўз ери, ўз миллати ва албатта, ўз тилини ҳурмат қилишга ундайди. Шундай экан, нега биз фақат ўз тилимизда сўзлашмаймиз, нега она тилимизни ҳурмат қилишга бошқаларни тугул, ҳатто, ўзимизни мажбур этолмаймиз?! Мен бу каби ҳолатларни ҳеч тушунолмайман. Айниқса, баъзиларнинг она тили аҳамиятини сеза олмагани, ўз хоҳишларини миллат тақдириндан-да юқори кўйгани мени ҳайратта солмоқда.

Яна шунинг айтмоқчиманки, агар кекса авлод вакиллари кўтарган бу масалани ҳозир тўғри ҳал этмасак, вақти келиб, унинг оқибатлари бизга жуда ҳам қимматга тушади. Энг ачинарлиси, бу масалага ташқаридагилардан бирортасини айбдор этолмаймиз. Чунки бу оқибатларга фақат ўзимиз — биз ўзбеклар айбдор бўлаемиз. Зеро, Абдулла Авлоний айтганидаек, «миллий тили йўқотмоқ — миллатнинг руҳини йўқотмоқ»дир.

Ҳўш, нималар қилмоқ даркор, десак, мулоҳазаларим шундай: Интернетда ўзбекча контентни кескин кўпайтириш (Википедия, Google), ўзбек тилидаги веб-сайтлар, е-кутубхоналар сонини, сифатини ошириш лозим. Миллий кино ва театр, маданий соҳада инқилоб қилиш зарур. Бугунги даража асло қониқарли эмас. Ўзбек тилидаги романлар, адабий асарлар, мусиқа маҳсулотларини кескин кўпайтириш керак. Кўчалардаги пештахталарда қайд этилган ёзувларни танқидий кўриб чиқиш керак, бу кетишда яқинда мўғулча ёзиб ҳам, осиб қўйишалай.

Хуллас, Шум бола таъбири билан айтганда, «Энди билдим, нима қилиш кераклигини» — севиш керак она тилини, унда сўзлашиш керак, ардоқлаш керак уни!!!

Ҳа, биз бағрикенгмиз, аммо бундай масалада асло йўқ! Андишани номи кўрқоқ бўлса, бизга Пушкин бир жаҳон-у, Байрон бир жаҳон бўлмай!

Айтганча, бугун дунёда тахминан 50 миллион киши ўзбек тилида гаплашаркан. Бу асло кам эмас!

Шерзодхон ҚУДРАТҲУЖАЕВ,
Журналистика ва оммавий коммуни-
кациялар университети ректори

Жараён Ободлик назоратда

Президенти-мизнинг «Обод маҳалла» дастури тўғрисидаги қарори асосида Тошкент шаҳридаги кўп қаватли аҳоли яшаш жойларида ноқонуний курилмаларни бартараф этиш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини янада яхшилаш, аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий муҳофазасини яхшилаш мақсадида ўрганишлар ўтказилди.



Тадбирларда маҳаллалар ҳудудларида қатор камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Жумладан, мутасадди корхона ва ташкилотлар, ҳокимлик ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар билан ноқонуний курилган бино ва иморатлар, автомобилларни сақлаш жой (гараж)лари, кўп қаватли уйлардаги сояноларни ўрнатилган тартибда бартараф этиш борасида иш олиб борилди.

Сергеи туманида жойлашган «Навқирон» ва «Дарё бўйи» маҳаллаларига 10 нафар ходим ободонлаштириш ишларига жалб этилиб, 16-сонли кўп қаватли уйнинг орқа томонидаги дарахтларга шакл берилди. Нилуфар кўчаси 12-уйнинг кириш йўлакларига электр тарқатиш қутилари таъмирланди. 269-сонли мактаб орқа томонидаги махсус техникалар эркин ҳаракатланишига ҳалақат қилаётган сунъий тўсиқ олиб ташланди.

Тадбирларни ўтказиш жараёнида жами 32 та турли камчилик аниқланди. Уларнинг 28 тасини жойида ҳал этишга эришилди. Бу каби ишлар Сергеи туман Ёнгин хавфсизлиги бўлими томонидан назоратга олинган ҳолда давом эттирилмоқда.

Ж.ХАЙРИЛЛАЕВ,
Сергеи туман
Ёнгин хавфсизлиги бўлими
инспектори,
лейтенант





Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни заргарлик тармоғини ривожлантириш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга шароитни кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Оқдарёча услуб: ҳожатхонасиз боғчалар

Бугун сектор вакиллари халқ билан бевосита учрашувларни ўз фаолиятининг энг муҳим йўналиши деб билмоқда. Улар халқ ичига янада чуқурроқ кириб боришга, одамлар билан ҳамдард, ҳамнафас бўлишга астойдил интиляпти. Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида бўлганимизда секторлар томонидан амалга оширилаётган ишлар баробарида ажиб «манзара»ларнинг ҳам гувоҳига айландик.

Тумандаги Янгикўрғон массиви Ички ишлар бўлими бошлиғи раҳбарлигидаги 3-сектор ҳудудига тегишли. Сектор штабидан олинган маълумотларга кўра, ҳудудда 10 та маҳалла фуқаролар йиғинида 45 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Сектор вакилларидан иборат Ишчи гуруҳ хонадонма-хонадон юриб, аҳоли муаммоларини ўрганмоқда. Шу кунга қадар аниқланган 261 та муаммодан 200 таси ижобий ҳал қилинган. Қолган 61 тасига ечим топиш мақсадида мутасадди ташкилотларга юборилган. Сектор штаби котиби Жамшид Азимов бошчилигидаги Ишчи гуруҳи аъзолари нафақат аҳоли орасига, балки уларнинг қалбига ҳам кириб боришга, дилдан суҳбатлашишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ ҳудуддаги айрим мутасадди ва масъулларнинг лоқайдлиги, ўзбошимчилиги сабаб «эскича услуб»да иш олиб борилаётганидан аҳоли азият чекмоқда.

Сектор вакиллари ҳамроҳлигида «Сўғончи» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 14-сон мактабгача таълим муассасасида бўлганимизда у ерда тарбияланаётган болажонлар нуқуллай шароитларда парваришланаётганига амин бўлдик. 80 нафар болани қамраб олган таълим муассасаси абгор ҳолда. Бирор бахтсиз ҳодиса рўй бергудек бўлса, болажонларнинг омон қолиши даргумон. Санитар аҳвол ачинарли даражада. Тарбияланувчилар жойлаштирилган хоналар девори таъмирталаб, пифти йиқилгудек. Унга дабдурустдан қараган киши кўрқди. Ошхонани кўриб эса ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Талабга асло



жавоб бермайди. Наҳотки, ота-оналар бу ердаги шароитни кўра-била туриб, азиз фарзандларини шу даргоҳга топширишса! Энг ачинарли томони, муассасада ҳожатхона йўқ. Болажонлар муассаса билан ёнма-ён жойлашган поликлиника филиалининг ҳожатхонасига олиб борилад экан. Бу ердаги санитария аҳволини яқин орада бирорта масъул бориб кўрмаган кўринади. Муассаса раҳбари иш жойида бўлмагани сабаб ҳамшира Моҳида Ҳусанова билан суҳбатлашиб,

бу ердаги ходимларнинг ҳам шундай шароитда ишлаётганига ачиндик.

Сектор ҳудудидаги 3-сон мактабгача таълим муассасасидаги аҳвол ҳам бунисидан сира қолишмайди. Яқин орада бочча ошхонасига жиҳоз олинмаган шекилли, идишлар йиллар давомида ишлатганидан сири учиб, тешилиб қолган. Ушбу таълим даргоҳидаги болалар ҳожатхонаси умуман талабга жавоб бермайди. Балбўй ҳиддан димиққан болалар ҳожатхонага киришдан безиллаб қолган. Гуруҳлардаги кўрпа ёпинчиқлар ҳам жуда эскириб кетган. Ҳолатга изоҳ олиш мақсадида муассаса мудирасини йўқладик. Афсуски, «у киши қаергадир кетган» деган жавобни олдик.

Фарзандларимизнинг эртаси ёруғ, келажаги порлоқ бўлиши учун бугуннинг пойдевори мустаҳкам бўлиши шарт. Бунинг учун эса биринчи галда боғчаларда таълим-тарбия жараёни тўғри йўлга қўйилган, замонавий, барча шароитлари етарли бўлиши керак. Аммо ота-она, ҳатто, ҳожатхонаси бўлмаган таълим муассасасига фарзандини ташлаб, кун давомида

«боламнинг ҳоли не кечди экан?» дея изтиробли саволлар, ниҳоятсиз хавотирлар исқанжасида юришини ўйлаган ҳар бир кишининг юраги оғрийди. Кўзи чақнаб турган болажонларга раҳми келади. Аҳвол нега бу даражада аянчли тус олганини билиш ва масалага ойдинлик киритиш мақсадида туман мактабгача таълим бўлими мудираси Бахтигул Асророва билан суҳбатда бўлдик.

— Ҳар иккала муассасадаги аҳволдан хабарим бор, — дейди у. — Раҳбар сифатида бориб аҳволни кўрганман. Бу муаммолар маблағ билан боғлиқ бўлгани учун ўз ечимини кутияпти. Насиб бўлса, келгусида Давлат дастурига киритиш орқали муаммоларни бартараф этамиз. Бу борада туман ҳокимлигига ҳам мурожаат қилганмиз. Ҳаракат қилаямиз.

Сифатли таълим тизимига катта эътибор қаратилаётган бир даврда мактабгача таълим муассасаларидаги бу каби ҳолатлар дилини хира қилади. Таълим даргоҳида фаолият юритаётганлар ҳам нима қилсин? Фарзандларимизга сифатли таълим берсинми ёки маънавий муаммолар, текшир-текширлар, қоғозбозликлар гирдобиди юраверсинми?

Бугун катта эътибор ва ислохотлар даврида яшайамиз. Юртимиз келажаги бўлган болажонлар учун ҳар доимгидан кўпроқ қайғуриш, гамхўрлик қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Шундай экан, бундай долзарб муаммоларни кечиктирмай, ҳар бир раҳбар шахсан ўзи назоратга олса, мутасадди ташкилотлар орта сурмай, тезроқ масалани ижобий ҳал этса, нур устига аъло нур бўлар эди. Зеро, болалар тақдирига бефарқ бўлган киши жамиятга ҳам бефарқ саналади.

Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Жамият» мухбири

Санъат

«Кўнгил таронаси»

Халқимизда шундай гап юради: «Рақс, қўшиқ ва куй илоҳийдан яралган». Албатта, бу бежиз айтилмаган. Куй ва қўшиқ тинглаганда, рақс томоша қилганда инсон қалби завққа тўлиб, ором олади.

Бу фикрлар Ўзбекистон давлат санъат музейида «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси «Рақс ва хореография санъати фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўлими» ташаббуси билан ташкилланган «Кўнгил таронаси» номи кўрғазманинг очилиш маросимида санъат ихлосмандлари томонидан алоҳида эътироф этилди.



Ўзбекистоннинг XX асрдаги рақс саҳна санъати ривожланиш тарихига бағишланган мазкур кўрғазма 3 бўлимдан иборат. 1-бўлим — фотокўрғазма. Унда томошабинлар Ўзбекистоннинг XX асрдаги рақс саҳна санъати ривожланиш тарихи билан яқиндан танишиши мумкин. Фотокўрғазмадаги расмлар эса Ўзбекистон давлат санъат музейи, Тошкент



давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби, Санъатшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик Катта театри архивлари ҳамда санъат усталарининг шахсий тўпламларидан олинган. 2-бўлим — Рассомлар кўрғазмаси. Ч.Аҳмаров, Т.Салахов ва бошқа рассомларнинг ижодий ишлари «Рақс рассомлар нигоҳида» номи кўрғазма орқали тақдим этилади.

3-бўлим — XX аср санъат усталарининг рақс кийимлари кўрғазмаси.

Ундан Ўзбекистон халқ артистлари ҳамда «Баҳор» ансамбли, «Шодлик» давлат қўшиқ ва рақс ансамблиларининг рақс либослари жой олган.

Бир ой давом этадиган мазкур кўрғазма доирасида санъат усталари билан ижодий кечалар, рақс шайдолари учун «маҳорат дарслари» ўтказилиши режалаштирилган.

Шодия СОДИҚОВА,
Ўзбекистон Давлат санъат музейи бўлим мудир



Давлат туризм қўмитаси Мўйноқда казино қурилишини қўллаб-қувватлашни маълум қилди. Аввалроқ Бош прокуратура Мўйноқда казино очиш эҳтимолининг барча аспектига ўрганиб чиқилаётгани ҳақида хабар берганди.



Дадамни фақат «ИМО»да кўраман

Иш билан банкка бориб, бугунги кунимизнинг фожиасини шундоқ кўрсатиб берган бир ҳолатга гувоҳ бўлдим: банкка кираверишда постда турган милиция ходими мижозлардан бирининг қизчасини гапга тутяпти. Қизча шунақа чиройли, шунақа ширинки, одамнинг суқи кирай дейди. Бунинг устига роса бийрон экан. Унинг, айниқса, милиция ходимини сўроққа тутиши янада эътиборимни тортди:

— Сизнинг қизингиз борми?
 — Ҳа, бор. Сенга ўхшаган қақажон қизим бор.
 — «ИМО»да гаплашасизми у билан?
 — «ИМО»да?
 — Ҳа, «ИМО»да кўриб гаплашмай-сизми?
 — Қизим уйда. Уйга борганимда ўзини кўраман.
 Бу гапдан қизча бирдан хомуш тортиди. Милиционер амакиннинг тиззасидан секин сирғалиб тушиб, нари кета бошлади.
 — Ҳой-ҳой, тўхта, — милиционер қизчанинг қўлчаларидан ушлаб, жойига қайтариб олиб келди.
 — Онанг келгунича шу ерда ўтириб турасан.

Кейин индамай бошини эгиб олган қизалоқнинг кайфиятини кўтариш учун бурнидан чимчилади:

— Роса ақлли экансан-ку! «ИМО»-ниям биларкансан-а! Қойил!
 — «ИМО»да далам билан гаплашман-да, — деди қизча сал жонланди. — Ўзларини кўрмаганман, «ИМО»да кўрганман, холос...

Бу гап атрофдаги одамларга қандай таъсир қилди, билмасим, лекин менинг юрагим санчиб, этим жимирлаб кетди. Милиционер ҳам гап нимадалигини энди англаб, «э-э-э» деб юборди... Қизалоқни ўйин билан овутиш мақсадида уни кўтариб олди, аммо кичкинтой ортиқ рағбат кўрсатмади.

Бироздан кейин қизчанинг онаси — ёшгина, кўҳликкина жувон ерни миннатдор бўлсанг босаман деяётгандек

таманно билан қадам ташлаётган, катта ёшли бир аёл билан келди. Маълум бўлишича, бу кибор хоним қизчанинг бувиси экан.

— Ўғлингиз узоқдами, хола? — деди милиционер унга.

Ана энди бувининг мақтанишини кўринг. Айтишича, иккита ўғли Кореяда, битта ўғли Россияда экан. Бу қизчанинг отаси олти йилдан буён Кореяда ишларкан. Топиш-тутиши зўрмиш. Ҳар ой фалон-фалон минг доллар пул жўнатаркан, ўттиз хонали участкаси битта деб қўлибдиммиш, иккита мошина олиб кўйишибдиммиш. Ҳозирам шу ўғли юборган пулни олгани келишган экан.

— Ҳа, бу қизча отасини кўрмаган экан-ку, — деди милиционер.

— Кўрмаган-да, — деди бойвучча хола худди ўғлининг мақтовга лойиқ фазилати ҳақида гапирётгандек. — Кетганида бу онасининг қорнида эди. Эрта-индин беш ёш бўлади... Катта ўғлим ҳам ўғилларини мактабга борганда кўрган, хи-хи-хи... Ҳа, буям мактабга чиққунча келади-да отаси...



Мен бу гапларни эшитишга ортиқ тоқат қилолмадим. Ҳаво етмаётгандек бўғилиб, ташқарига чиқиб кетдим. Биламан, кўрганим бу каби миллионлаб нохуш ҳолатларнинг биттаси, холос. Мардикорчилик шараф бўлган кунларни ҳам кўряпмиз, мана. Четда пул топаётган эркакларнинг топганидан йўқотганлари кўпроқ: Ўдаклар отасининг меҳри тугул, ўзини кўрмай ўсаётган бўлса... Эрини йиллаб кўрмаётган жуда кўп ёш-ёш жувон одоб-ахлоқни унутиб, яширинча бузуқлик йўлига кираётган, ҳатто, эрининг мусофирчиликка минг заҳмат билан топиб юборган пулидан (мени кечирасиз-у) уйнашига дастурхон тузаётган бўлса... Ҳар ой келадиган долларларга ўрганиб, мазаҳурак бўлиб қолган ота-оналар ойда-йилда бир келадиган ўғлининг уйда бир неча ой ўтириб қолишини ҳам кўп кўриб, тезроқ яна келган жойига жўнатиб юборишга шошилиб

турса... Шу ерда ризқини топиб, оз топганига ҳам қаноат қилиб юрганларни «ойликчи» деб, бурун жийирса... «Россияда ишлайтурган» ўғлини олий маълумотли «ойликчи»лардан баланд кўриб, уларнинг қизини келин қилгиси келмаса... Баъзи қишлоқларда (ҳамма эркаклар ёшпасига четга ишлагани кетгани учун) жанозаларда тобутни чоллар қилтиллаб кўтаришга мажбур бўлаётган бўлса... Ва бу дилхиралликларнинг адоғи кўринмаса... Нима қилиш керак?

Менимча, биринчидан, қаноатни ўрганишимиз, орзу-ҳавас ва нафсининг қутқуларини жиловлашимиз керак. Ҳар биримиз, энг аввало, ўзимизни ислоҳ қилмас эканмиз, бошқа ислохотлар ҳам ярим йўлда қолиб кетаверади...

Дилфуза КОМИЛ

Маърифатдан сўзлайди

Бундан икки йил аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси Марказини ташкил этиш таклифини илгари сурган эди. Айни кунларда Ҳастимом мажмуаси ҳудудида ушбу марказни бунёд этиш ишлари қизғин олиб борилаётган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «*Жаҳолатга қарши — маърифат*» шiori остида мана шундай марказни ташкил этишни бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ушбу марказни машҳур Ҳастимом мажмуаси ҳудудида ташкил этиш, бу ерда юртимиздан етишиб чиққан буюк ислом олимлари, аллома ва мутафаккирлари, жаҳон маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган улғушор ва адиблар, rassom ва хаттотларга оид бой маълумотларни мужассам этиш кўзда тутилмоқда».

Дарҳақиқат, мазкур муқаллас маскандан жой олган Ислом санъати музейида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хужа Аҳрор Валий каби азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоий, Заҳи-



риддин Муҳаммад Бобур сингари аллома ва мутафаккирлар, Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб каби мусаввирларнинг бебаҳо меросидан намуналар, улар таваллуд топган ва фаолият кўрсатган тарихий

шаҳарлар манзаралари турли ноёб экспонатлар орқали акс эттирилади. Юртимизда уларнинг шарафига барпо этилган меъморий ёлғорликлар макетлари, қўлёзма ва босма асарлар, хат-топик намуналари, ўша даврдаги амалий санъат буюмлари ва бошқа экспонатлар ҳам марказнинг кўрғинига айланади. Қувонарлиси, ўз вақтида Соҳибқирон Амир Темури бобомиз юртимизга олиб келган муқаллас Қуръони Каримнинг Усмон нусхаси ушбу музейнинг ноёб дурдонаси бўлади.

Бугун дунёда бир қатор Ислом санъати музейлари фаолият юритмоқда. Буларда ислом илм-фани, маданияти, санъати, хат-топлиги, меъморчилиги, китобат санъати кабиларга оид қўллаб ашёлар сақланган. Ҳаттоки, Европадаги музейларнинг ақсариятида алоҳида Ислом санъати бўлимлари ташкил этилган бўлиб, уларда Ўзбекистонга оид тарихий буюмлар мавжуд. Хусусан, ушбу музейларда темурий шаҳзодалар даврида ёзилган Қуръони Карим китоблари, бой тарихимизнинг турли даврларида яратилган амалий санъат намуналари, меъморчилик қўлламалари, қўлёзмалар, миниатюралар, темурий шаҳзодаларга оид пиёслалар, нумизматика намуналари ва бошқа ноёб экспонатлар сақланган. Марказ музейи экспозициясидан хориждаги миллий бойликларимизнинг ана шундай нусхалари, диний уламоларимизнинг ҳаёт

Шукҳ

йўллари акс этган тасвирий лавҳалар муносиб жой эгаллайди.

Ислом дини кириб келгандан сўнг юртимизнинг ҳар бир вилоятида ўзига хос ислом уламолари, пешволари, тариқатчилар фаолият юритган. Уларнинг илмий мероси ҳанузгача дунё ислом маърифатпарварлари томонидан ўрганилмоқда, тарғиб қилинмоқда. Музей экспозициясидан ўрин олажак турли зиёратгоҳлар, мадрасаларнинг макетлари томошабинда шу каби улғу жойларни киши кўз ўнгида жонлантириди. Бу эса зиёрат туризмни янада ривожлантиришга туртки бўлади.

Китобат санъати тараққиёти ашёлар, макетлар, фотоматериаллар ёрдамида намойиш этилиши Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида ноёб ипак қоғоз ишлаб чиқарилгани ҳақида маълумот беради. Шунингдек, музей залларида Қуръон ва ҳадис мутлоаси мониторларда таржимаси ҳамда мазмуни билан турли тилларда бериб борилади.

Умуман олганда, Ислом цивилизацияси маркази динимиз маърифати, халқимиз маънавияти, бой тарихимиз манзаралари ҳисоянависи бўлиши шубҳасиз.

Дилфруз ҚУРБОНОВА,
тарих фанлари номзоди

Деҳқонободда 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига барпо этилган хотира майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

ҚИСКА
САТРАЛДАР
ЎҚИҲ!



Номига мактаб қурса бўлдими?

Хива тумани «Варангзон» маҳалласининг «Сапча» деб номланган ҳудудда яшовчи фуқаролар мавжуд муаммоларни, арзларини ўрганишни илтимос қилди. «Урганч — Хива» катта автомобиль йўли бўйида жойлашган ушбу аҳоли пунктига бориб, улар билан суҳбатлашдик. Дастлабки суҳбатдошимиз 73 ёшли отахон Раҳматжон Бойжонов бўлди.



— Худудимизда бугунги кунда 650 га яқин хонадонда 3 минг 200 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қўшни ҳудуд билан биргаликда «Варангзон» маҳалласини ташкил қилди. Аввало, шунга айтишим керакки, туман сектор раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар одатда маҳалламизга келса, худудимизнинг «Варангзон» қисмидан қайтиб кетади. Президентимиз маҳаллий раҳбарларнинг уйма-уй кириб, халқнинг муаммоларини ўрганиши лозимлигини кўп таъкидлайди, бироқ бизнинг ҳудудга бирон мутасадди келиб, «ҳолинг не, нима тақлифинг бор», деб сўраганини билмайман. Тўғри, «Варангзон»да жойлашган 12-мактабда раҳбарлар бир неча бор аҳоли билан учрашувлар ўтказди. Ундан-бундан эшитиб бориб, худудимиздаги муаммоларни кўп бора айтганман, шунга қарамай, бу ер мутасаддилар учун етиб бўлмас жойга айланган. Муаммоларимиз эса жуда кўп. Нафақат худудимизда, балки 6 минг нафардан ошди киши яшайдиган бутун бошли маҳалламизда на спорт майдончаси, на ҳаммом, на бир кутубхона бор.

Худудимиздан ичимлик суви қувурлари ўтган, бироқ уларда сув йўқ... Бир пайтлар ўзимиз пул йиғиб, худудимизни газлаштирган эдик, энди улар кесиб ташланди. Газ қувурлари олиб кетилди. Майли, бунга амаллаб чидаймиз, ҳарна суюлтирилган газ берилпти. Энг катта муаммомиз — мактабимиз йўқлиги! Сапчалик болалар 2-4 километр йўлни пиёда босиб мактабга боришга мажбур! Ҳаммада ҳам шахсий машина йўқ, мактаб томонга жамоат транспорти ҳам қатнамайди.

Мактаб масаласига аниқлик киритиш учун 12-умумтаълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Қувондиқ Эрназаров билан учрашдик.

— Мактабимизда жами 1 минг 120 нафар ўқувчи таълим олади. Ҳақиқатдан ҳам, уларнинг деярли 600 нафари қўшни «Сапча»дан келади. Аксарияти 3-4 километр йўл босиб келишга мажбур. Қишнинг совуқ кунларида, ёки ёнғинчилик пайтида келиб-кейтиш жуда қийин. Бу эса давоматга салбий таъсир кўрсатади. Боз устига, синф хоналаримиз етишмайди, мактабимиз эса жиддий таъмирга муҳтож.

Маҳалла аҳли муаммоларига яна эътибор қаратамиз

— «Сапча»нинг норасмий оқсоқолиман, — дея ўзини таништирди Жуманазар Бекчанов. — Худудимиздан ўтган йили темир йўл ўтди, бироқ уни кесиб ўтиш йўли қўйилмади. Фермерларимиз ўз даласига, аҳоли қўшимча томорқасига бўладими, умуман, темир йўлдан ўтиш учун 7-10 километр йўл юриб, айланишига тўғри келмакда. Бу масалада ҳам тегишли мутасаддиларимиз ёрдам берса ёмон бўлмасди.

Ёшлар иттифоқи деган катта бир ташкилотимиз бор. Худудимиз ёшлари билан бу ташкилотнинг иши йўқ! Бизнинг йигит-қизлар ҳам замонавий ўйингоҳларда спорт билан шуғуллангиси, кутубхоналардан фойдалангиси келади, ахир. Имкониятини, салоҳиятини кўрсатиш учун мазкур ташкилотнинг ёрдамига суянгиси келади. Имкон бериб, шаброит яратилса, озгина қўллаб-қувватласак, спорт майдончалари, кутубхона, ҳаммом куриб, янги иш ўринлар яратишга қодир уддабурон тадбиркорларимиз бисёр. Бунинг учун раҳбарларимизнинг сал эътибори ва кўмаги керак, холос!..

«Варангзон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан учрашиш мақсадида икки кун идорага бордик. Бу кунларда эшикка осылган кулфдан бошқани учратмадик. Хива туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Шўҳрат Норбоевга юқоридаги масалаларга аниқлик киритиш учун кўнгироқ қилдик. Вилоят марказида халқ таълим мудири учрашишни айтди.

Бир иш чиқмагандан кейин худуднинг сектор раҳбари, туман прокурори Шўҳрат Абдолниёзов билан учрашдик.

— Худуддаги муаммолар билан танишман. «Сапча» расман аҳоли пункти сифатида тан олинмаган, у «Варангзон» маҳалласининг бир қисми эди. Бироқ биз бу ерда яшовчиларнинг тақлиф ва истакларини инобатга олиб, ушбу худудда янги маҳалла ташкил қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритган эдик. Яқинда ушбу тақлифимиз маъқулланди. Туманимизда 6 та, жумладан, «Сапча»да ҳам май, июнь ойларида янги маҳалла ташкил этилиши режалаштирилган. Бу эса мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга кенг имкониятлар бериши шубҳасиз.

Қоғозда эмас, амалда бўлсин!

Туман халқ таълими мудири ўринбосарининг айтишича, 2021 йилда бу ерда 280 ўринли мактаб қурилиши режалаштирилган экан. Лекин мутасаддининг худуддаги ўқувчилар сони бугунги куннинг ўзига 600 нафар эканини эшитиб ҳайрон қолиши бизни ундан-да ҳайратга солди. Ахир, бирор худудда мактаб қуришни режалаштиришдан олдин ўқувчиларнинг бугунги ва истиқболдаги сони инобатга олинмайдими? Ёки номига мактаб қурса бўлдими? Ушбу ҳолат мавжуд муаммонинг ечимини топишга юзаки ёндашилганидан далолат бермайдими?

Кузатишларимиз натижасида кўрдикки, сапчаликларда шунча муаммо ва қийинчилик бўлса-да, тушқунлик қайфияти йўқ. Уларда маҳалласи, фарзандлари келажаги, Ватан тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилиш иштиёқи кучли.

Тараққиётга эришишнинг формуласи оддий: Ҳукумат қарорлари ижросини қоғозда эмас, амалда бажариш, аҳолининг талаб ва тақлифларига, муаммоларига, ташаббусига бефарқ қарамай, халқ билан ҳамнафас ва ҳамфикр бўлиб ишлаш!

Давлатназар РЎЗМЕТОВ,
«Жамият» муҳбири

ОБ-ҲАВО	
10 май	+32°C / +19°C
11 май	+32°C / +20°C
12 май	+32°C / +20°C
13 май	+30°C / +18°C
14 май	+28°C / +17°C
15 май	+29°C / +16°C
16 май	+30°C / +16°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Рустам Қомилов
Рустам Қосимов
Саид-Абдулазиз Юсупов
Борй Алихонов
Акмал Саидов
Шавакат Жавлонов
Руфат Нейматов
Феруза Мирзақомилова

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-514 Адади: 2004.

Жума кuni чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Феруза Мирзақомилова

Дизайнер: Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77, 236-10-87,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎзА ақуни:

Топширилган вақти: 21.05
1 2 4 5 6



Бугун Самарқанддаги кинотеатрда уруш ҳақидаги фильмлар бепул намоиш этилади.

БОЛАЛИКДАН ҚАДРДОН

Болалигимни эсласам, уйимизга велосипедда юрадиган почтабоннинг бир тахлам газета-журнал олиб келишини соғинаман. Уйда ака-укалар қўлма-қўл қилиб ўқиб чиқардик. Мен газеталардан кўра журналларга иштиёқманд эдим. «Муштум», «Фан ва турмуш», «Саодат», «Гулистон» журналларининг ҳар бир сонини соғиниб кутардим, улардан бири уйга келган куни менинг байрамим эди. Бу ҳамон менга одат. Газета ва журналлар учун ҳеч қачон маблағ аямайман. Баъзиларига обуна бўламан. Баъзиларини суриштириб топаман. Хуллас, оиламиз анъанаси давом этмоқда. Очиғи, газета ўқимайдиган одамларга ичим ачийди. Қанча нарсдан беҳабарлигини билганида ўзининг ҳам ўзига ичи ачиган бўларди...

Бугун матбуотнинг анча дадиллашгани, барча учун ишончли минбар бўлаётгани жуда қувонтиради. Айниқса, «Гулистон» журналидаги ўзгаришлар биз муштарийларни хурсанд қилди. Ранг-баранг саҳифалар, турфа

мавулар кўнглимни кўтарди. Худди ёшлигим қайта кириб келгандек қадрдон журнални қўлга олдим. Журнал саҳифаларида вазирлар, вилоят ҳокимлари билан суҳбатларни ўқиб, раҳбарларнинг эшиги чиндан халққа очилганини



ҳис қилдим. Уларга берилган дадил саволлар ва ошкор жавоблар бугуннинг нафасини сездириб турибди. Журнал саҳифаларида «Гулистон» бисотидан» рўкни йўлга қўйилиб, унда анча йиллар олдин чоп этилган қизиқарли мақолаларнинг қайта эълон қилинаётгани катта ютуқ бўлган.

Куни кеча қўлимизга журналнинг янги сони етиб келди. Унда ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Қайдасан, қувонч садоси» ҳикояси қайта нашр этилибди. Журналнинг 1974 йилда Зокировлар сулоаси ҳақида мақола эълон қилинган сони менда бор. Ушанга қайта мурожаат этиб, хонадоннинг келини Гавҳар Зокирова би-

лан Зокировлар ҳақида биз билмайдиган маълумотлар асосида суҳбат қилинган. Озарбайжон халқ ёзувчиси Анорнинг «Занжир» ҳикояси ҳамма давр учун эскирмайдиган мавзу. Бундан кейин ҳам шундай қизиқ адабий материалларни ўқишни истаيمиз.

Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг ҳеч қаерда эълон қилинмаган шеърлари илк бор журналда тақдим қилинганидан хурсанд бўлдим. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеваннинг бир туркум шеърлари ҳам ҳеч бир муштарийни бефарқ қолдирмайди.

Ҳамиша ўзимга ҳайрат берган, ҳаяжонлантирган воқеаларни бошқаларга ҳам улашгим келади. Шунинг учун «Гулистон» журналдан топган янгилик ва яхшиликларни қадрдон газетам орқали бошқаларга ҳам улашгим, тавсия қилгим келди.

Тўхтасин ОТАЖОНОВ,
 Фарғона вилояти
 Бувайда туманидаги
 42-мактаб ўқитувчиси

Реклама



МАЙ



ХАЛҚ ВАНКИ

жамоаси

**Уруш ва меҳнат
 фахрийларини, отахону
 онахонларни Хотира ва
 қадрлаш куни
 билан табриклайди.
 Сизларнинг матонатингиз
 ва фидокорлигингиз олдида
 доимо бош эгамиз!**



КИСҚА
 САТРАЛДАРДА
 ЎҚИҒИ!

Ижтимоий тармоқлардаги машҳур блогерлардан бири, Индонезиядаги ўн бир нафар фарзандли Ген ва Ҳалилинтар оиласи айна пайтда Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини оширишга қаратилган навбатдаги ижодий сафар билан мамлакатда бўлиб турибди.